


4-4-3654  
17.08.2021й



**Тошкент вилояти ҳокимлигининг Аутсорсерларни танлаш комиссияси**  
**ЙИГИЛИШ БАЁНИ**  
**6 - сон**

2021 йил “ \_\_\_ ” август

Нурафшон ш.

**Раислик қилувчи:** М.Файзиев – Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари

**Иштирок этдилар:** тегишли ташкилотлар  
(*рўйхат бўйича*)

**КУН ТАРТИБИ:**

**Тошкент вилояти ҳудудидаги ҳарбий қисмлар ва таълим муассасаларида аутсорсинг тизимини ташкил этиш тўғрисида.**

*(Файзиев, Мелиев, Раимов, Муминов,..... Файзиев)*

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тасарруфидаги ҳарбий қисмлар ва таълим муассасаларида овқатланишни ташкил этиш соҳасида давлат-хусусий шериклик механизми аутсорсинг шартлари асосида босқичма-босқич татбиқ этилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисмларида аутсорсинг хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 189-сон ва 2019 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг тегишли бўлинмаларида шахсий таркибнинг овқатланишини ташкил этиш бўйича аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 323-сонли, ҳамда 2019 йил 19 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли бўлинмаларида овқатланишни ташкил этиш бўйича аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 693-сонли қарорлари қабул қилинган.

Жумладан, Аутсорсерлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан талабгорларни ўрганиш ҳамда энг яхши таклифларни танлаш орқали танлаб олиниши белгиланган.

Бунда умумий овқатланиш соҳасида катта иш тажрибасига, тегишли молиявий, моддий-техник ва логистика базасига эга, ошхоналарнинг ҳолатини яхшилашга ва инвестиция киритишга тайёр талабгорларга устунлик берилиши таъкидлаб ўтилган.

Юқоридаги қарорлар асосида вилоят ҳокимлигига топширилган вазифаларни ўз вақтида таъминлаш мақсадида Аутсорсерларни танлаш бўйича комиссия томонидан *(кейинги ўринларда – комиссия деб юритилади)* жорий йил 7 апрелдан 14 апрелга қадар танлов элон қилинди.

Танловда қатнашиш истагини билдирган 30 дан зиёд корхоналар мурожаатлари ҳамда ҳарбий қисмлар ва таълим муассасалар томонидан 2021 йил учун талабгорларни ўрганиш ҳамда энг яхши таклифларни танлаб бериш бўйича қилинган мурожаатлари комиссия аъзолари томонидан ўрганиб чиқилди.

Шунингдек, комиссия аъзолари томонидан ҳарбий қисмлардаги амалда аутсорсинг фаолиятини олиб бораётган корхоналар ва танловда иштирок этган тадбиркорлик субъектларининг аутсорсинг фаолиятига ҳолисона баҳо бериш мақсадида жойига чиқиб ўрганишлар ўтказилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан 2021 йил 24 майда 22/4/1325-сон билан қайд этилган хат тақдим этилган ва мазкур хатда Мудофаа вазирлиги Тошкент ҳарбий округи ҳудудида жойлашган ҳарбий қисм ва муассасаларда фаолият юритиб келаётган аутсорсинг корхоналарини 2021 йил учун ўзгаришсиз қайта бириктирилиши сўралган.

Шунга кўра комиссия ўрганиш натижаси ва Мудофаа вазирлигининг хатида сўралган масалани инобатга олиб, 2021 йил учун бириктирилган аутсорсинг корхоналарини ўзгаришсиз қайта бириктириш ва танловда иштирок этган корхоналарни заҳира сифатида қолдириш таклифини берди.

Комиссия аъзолари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни, талабгор аутсорсерларнинг молиявий ҳолати ва улар томонидан қилинган таклифларни инобатга олган ҳолда, шунингдек, кун тартибига киритилган бошқа масалаларни атрофлича муҳокама қилиб, йиғилиш

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1.** Комиссиянинг жорий йил 1 июлдаги (5-сонли) йиғилиш баёнига асосан комиссия аъзолари томонидан жорий йил 1 июлдан **15** июль кунига қадар танловда иштирок этган корхоналар фаолиятини жойларга чиққан ҳолда ўрганиш ишлари амалга оширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин;

Ўрганиш натижалари ва комиссия хулосасига асосан танловда иштирок этаётган корхоналар фаолиятини комиссия аъзолари тегишлилиги бўйича ўрганиб чиқиб, баҳолаш рейтингига асосан Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган Мудофаа вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Миллий гвардия, ҳарбий қисм ва таълим муассасалар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан 2021 йил 24 майда юборилган 22/4/1325-сонли хатга асосан аутсорсер корхоналарини алмаштиришга зарурат йўқлигини инобатга олиб амалдаги корхоналарни номуайян муддатга бириктирилиши **1-иловага** кўра;

Тошкент ҳарбий округи ҳудудида жойлашган ҳарбий қисм ва таълим муассасаларида маиший (кирхона ҳаммом) хизматлар кўрсатувчи корхоналар **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин;

Тошкент ҳарбий округи ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларда аутсорсинг хизмат (овқатлантириш, кирхона ҳаммом) кўрсатиш истагини билдирган талабгор корхоналар захира корхоналари сифатида **3-иловага** мувофиқ белгилансин.

**2. Вилоят ғазначилик бошқармаси (Ш. Алибеков)** танловда ғолиб бўлган корхоналар ўзининг таклифига биноан ҳарбий қисмга кўрсатиладиган аутсорсинг хизмат ҳаққини ҳисоб-китоб қилаётганда 20% эканлиги инобатга олсин.

**3. Вилоят Давлат Солиқ бошқармаси (Р. Раимов)** ҳарбий қисмларда аутсорсинг ва маиший хизмат кўрсатаётган корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичлари бўйича (*молиявий ҳолати, ўртача ишчилар сони, солиқ қарздорлиги в.б.*) алоҳида мониторинг юритиб, зарурат туғилганда комиссия аъзоларига тақдим қилиб борсин.

**4. Вилоят Марказий Банк бош бошқармаси (А. Низамов)** корхоналар томонидан кейинги истиқболли фаолиятини амалга оширишда кредит маблағларига эҳтиёж туғилса белгиланган тартибда ажратилишида амалий ёрдам бериш чораларини кўрсин.

**5. Тошкент ҳарбий округи (Ш. Мўминов), Қоровул кўшинлари 7535 ҳарбий қисм командири (А. Алимов), Миллий гвардия Тошкент вилояти бўйича бошқармаси (А. Муратов)** ҳарбий қисм ошхоналари ҳолатини яхшилаш учун инвестиция киритаётган корхоналар тўғрисида мунтазам равишда комиссияга маълумот тақдим қилиб борсин.


**6. Статистика бошқармаси (Л. Мирсоатов), Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (Ш. Дўстбеков)** аутсорсинг корхоналарига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли етказилиши ва харажатларини камайтириш мақсадида ҳудудлардаги бевосита ишлаб чиқарувчи корхоналар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи деҳқон фермер хўжаликлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилиб борсин.

**7. Аутсорсер корхоналари зиммасига фаолияти давомида қонун ҳужжатларида белгиланган хавфсизлик техникаси ва ёнғин хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормаларига риоя қилиш вазифаси юклатилсин.**

**8. Зарурият туғилганда, ҳарбий муассасаларнинг мурожаатига асосан баённомага комиссия томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилиши инобатга олинсин.**

**9. Ушбу баён топшириқлари ижросини назорат қилиш тегишлилиги бўйича Тошкент ҳарбий округи (Ш. Мўминов), Ички ишлар вазирлиги 7535 ҳарбий қисм командири (А. Алимов), Миллий гвардия Тошкент вилояти бўйича бошқармаси (А. Муратов), вилоят ғазначилик бошқармаси бошлиғи (Ш. Алибеков)лар зиммаларига юклансин.**

Баёни олиб борди:



**Х. Иноғомов**

Аутсорсерларни танлаш

комиссиясининг

2021 йил 6 августдаги

6 - сонли баёнига

1-илова

Тошкент ҳарбий округи тасарруфидаги ҳарбий қисмларда фаолият юритаётган ва бириктирилган корхоналар

РЎЙХАТИ

T/р	Ташкилотлар номи	ҳарбий қисмлар
<b>Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмлар</b>		
1	“BUNYOD BARAKA BIZNES” ХК	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали.
2	“AZIM-TRAST-SERVIS” МЧЖ	71186 ҳарбий қисм. (Ахборот комуникация технологиялари ва ҳарбий алоқа институти) ЎР МВ МХКГ орқали ЎЗЭКСПОМАРКАЗ. (COVID-19 чалинган фуқароларни даволашда иштирок этаётган шифокорлар ва қўриқлашга жалб қилинган ҳарбий хизматчиларга)
3	“PROFI-Z” МЧЖ	Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Академияси.
4	“POYTAHT TAOM SERVIS X-J-X” МЧЖ	07984 ҳарбий қисм; ЧОТҚМБЮ орқали ёзги дам олиш соғломлаштириш маскани тонг лагери;
5	“PISKENT ADONIS GROUP” МЧЖ	71201 ҳарбий қисм орқали Тошкент ҳарбий округи “марказ” десантчилар тайёрлаш маркази; Ангрен шаҳрида ташкил этилган қурилиш соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш маркази.
6	STORY AND FOOD SERVIS” МЧЖ	71201 ҳарбий қисм орқали Чирчиқ полигони;
7	“FIRDAVS FOOD F” МЧЖ	71201 ҳарбий қисм; 64562 ҳарбий қисм; 64562 ҳарбий қисм орқали Чимён тоғ тайёргарлик маркази; Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлар Академияси ўқув жараёнини таъминлаш базаси.
8	“SHEROBOD GRAND FLOR” МЧЖ	77692 ҳарбий қисм.
9	“GOOD FOOD KATERING” МЧЖ	15361 ҳарбий қисм. (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус авария тикланиш бошқармаси)
10	“MIROMMON SOLIHA SERVIS” ХК	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий ҳарбий санаторияси.
11	“OMINAYATUL BARAKA” МЧЖ	29262 ҳарбий қисм.
12	“ANVAR FAYZ BARAKA ZIYOSI” МЧЖ	Тошкент вилояти мудофаа ишлар бошқармаси ҳузуридаги чакирувчиларни ҳарбий техника мутахассисликлари бўйича тайёрлаш маркази.
13	“ANGREN KAMALAK TEKSTIL” МЧЖ	42219 ҳарбий қисм; Ангрен тоғ полигони.
14	“LUISE PASTRY” МЧЖ	(Чирчиқ олий Танк ҚМ билим юрти)

<b>Т/р</b>	<b>Ташкилотлар номи</b>	<b>ҳарбий қисмлар</b>
15	“SARBARAKA TRADE” МЧЖ	83384 ҳарбий қисм.
16	“ASILBEK-ADXAM TARAQQIYOT” МЧЖ	08366 ҳарбий қисм; 62608 ҳарбий қисм; Мудофаа вазирлиги ҳарбий ҳаводан мудофаа қилиш ва ҳарбий ҳаво кучлари кўшинлари тасарруфидаги санаторияси.
17	“AKMAL ABROR” МЧЖ	99298 ҳарбий қисм.
18	“AGRO PRODUCTS PLUS” МЧЖ	38630 ҳарбий қисм.
19	“ABBOSDIL” ХК	Мудофаа вазирлиги ошхонаси, ҳарбий ҳаводан мудофаа қилиш ва ҳарбий ҳаво кучлари кўшинлари тасарруфидаги алоҳида кўриклаш базаси.
<b>Миллий гвардияга қарашли ҳарбий қисмларда</b>		
1	“ХХ-Н” Ф/Х	Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент вилояти бўйича бошқармаси
2	“POYTAHT G'OYA TAOM” МЧЖ	Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий-техника институти.
3	“MEGA OMADLI SAVDO” МЧЖ	98157 ҳарбий қисм.
<b>Ички ишлар вазирлигига қарашли ҳарбий қисмлар бўйича</b>		
1	“MASTER SERVIS FOOD” МЧЖ	7535 ҳарбий қисм
<b>Фавқулотда вазиятлар вазирлигига қарашли ҳарбий қисм</b>		
1	“CENTRAL KITCHEN” МЧЖ	Махсус муҳандислик қурилиш бошқармаси (99951 ҳарбий қисм).

Аутсорсерларни танлаш  
комиссиясининг  
2021 йил 7 августдаги  
6 - сонли баёнига  
2-илова

Тошкент ҳарбий округи тасарруфидаги ҳарбий қисмлар ва муассасаларда  
маиший (қирхона ва ҳаммом) хизматлар кўрсатувчи корхоналар  
РЎЙХАТИ

т/р	ташкilotлар номи	ҳарбий қисмлар
1	“RAHMONBERDIYEV JAHONGIR IBRAGIMOVICH” ЯТТ	99677 ҳарбий қисм; 42219 ҳарбий қисм.
2	“LUISE PASTRY” МЧЖ	ЧОТҚМБЮ. (Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти)
3	“AGRO PRODUCTS PLUS” МЧЖ	71201 ҳарбий қисм
4	“KIMYOGARTAOMCHI” МЧЖ	07984 ҳарбий қисм
5	“BLESK BONU” ХК	71186 ҳарбий қисм

Аутсорсерларни танлаш  
комиссиясининг  
2021 йил 9 августдаги  
6 - сонли баёнига  
3-илова

Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган барча ҳарбий қисмларда  
аутсорсинг хизматларини кўрсатишгёа захирадаги талабгор корхоналар  
РЎЙХАТИ

т/р	ташкilotлар номи	ҳарбий қисмлар	йўналиши
1	MEAT FISH BUSINESS МЧЖ	Захирадаги аутсорсер корхоналари	овқатлантириш
2	ASIA BEST DISTRIBUTION SERVICE МЧЖ		овқатлантириш
3	QOZIROBOD TAYYORLOV МЧЖ		овқатлантириш
4	INNATILLO OBOD МЧЖ		овқатлантириш
5	SAYDALIYEVA N.A МЧЖ		овқатлантириш
6	ABDISOAT ELBEK INVEST МЧЖ		овқатлантириш
7	ОДЛ МАН МЧЖ		овқатлантириш
8	САХОВАТ ТАОМ Х/К		овқатлантириш
9	РОУТАХТ ЗАХИРА МЧЖ		овқатлантириш
10	ЖАХОНГИР НАРГИЗ МЧЖ		овқатлантириш